

Тазкия дарслари (130-дарс). Чақимчиликнинг муолажаси

ТАЗКИЯ
130-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



14:30 / 03.04.2021 2839

Биласизми, шифокор ўз беморини даволаш жараёнида аввало, шу бемордан соғайиб кетишга бўлган умидни талаб қилади. Ва бемор олаётган муолажаси сабаб, Аллоҳдан дардига шифо сўраб, ихлос ила дуода бўлади. Шундагина даволаниш мақсади ҳосил бўлиб, ундаги дард чекинади.

Чақимчилик дардига мубтало бўлган шахс ҳам чақимчилик пайти бўлиб қолса, ўзининг айбларини ўйласин ва уларни тузатишга киришсин. Агар ўзини айблардан холи деб билса, шукр қилиш ила машғул бўлсин. Ўзини ўзи энг ёмон айблардан бири – чақимчилик ила булғамасин. Ўзининг айблари бўла туриб, бошқаларни айблашдан уялсин. Ўзи ҳақида бировнинг чақимчилик қилишини истамаганидек, ўзи ҳам ўзгалар ҳақида чақимчилик қилишни истамасин.

Чақимчиликка боис бўлган сабабга назар солсин ва ўша сабабни йўқ қилиш пайдан бўлсин. Дарднинг давоси уни келтириб чиқарган сабабни йўқ қилиш ила бўлади.

Инсон аввало қиладиган чақимчилиги туфайли Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишини билиб қўйиши керак. Шунингдек, унинг савоблари чақимчилик қилинган одамга олиб берилишини, агар савоби бўлмаса, нариги одамнинг гуноҳлари унга олиб берилишини ҳам билиб қўйсин.

